**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ сайтига қўйиладиган муҳим факт**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки |
| | Қисқартирилган: | «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ |
| | Биржа тикерининг номи: | AABK |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | 100047, Тошкент ш., Тараққиёт кўч., 2а |
| | Почта манзили: | 100047, Тошкент ш., Тараққиёт кўч., 2а |
| | Электрон почта манзили: | info@aab.uz |
| | Расмий веб-сайти: | aab.uz |
| | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| 3. | Муҳим фактнинг рақами: | **06** |
| | Муҳим фактнинг номи: | **Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар** |
| | Умумий йиғилиш тури: | навбатдан ташқари |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 19.11.2015 й. |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 24.11.2015 й. |
| | Умумий йиғилиш ўтказилан жой: | 100047, Тошкент ш., Тараққиёт кўч., 2а |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 75,12% |

| № | Овозга беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1. | Навбатдан ташқари банк акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш | 100 | 297 480 086 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2. | Жойлаштирилаётган акцияларни акциядорлар томонидан олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш | | 297 480 086 | | | | |
| 3. | Эълон қилинган банк акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш | 100 | 297 480 086 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4. | "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш | 100 | 297 480 086 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5. | 2014 йил соф фойдасининг қолган қисмини тақсимлаш ва дивидендларни тўлаш масаласини кўриб чиқиш | 100 | 297 480 086 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6. | Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш | 100 | 297 480 086 | 0 | 0 | 0 | 0 |

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:

| | |
|---|---|
| 1. | Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш қуйидаги регламентини тасдиқлаш:<br>- сўзга чиқиш:<br>кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича – 10-15 дақиқа; |

кун тартибининг учинчи масаласи бўйича – 10-15 дақиқа;
кун тартибининг тўртинчи масаласи бўйича – 10-15 дақиқа;
кун тартибининг бешинчи масаласи бўйича – 10-15 дақиқа;
кун тартибининг олтинчи масаласи бўйича – 5-10 дақиқа;
- кун тартибининг барча масалалар бўйича савол-жавоблар – 10-15 дақиқа.

2. Ушбу йиғилишда тасдиқланган эълон қилинган акциялар доирасида чиқарилган акциялар миқдори бўйича акциядорлар томонидан жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқи қўлланмасин. Акциядорлар томонидан жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқи қўлланмаслиги тўғрисидаги қарорнинг амал қилиш муддати эълон қилинган банк акцияларининг энг кўп миқдори оддий эгаси ёзилган акциялар эмиссияси тугашигача, лекин ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

3. Эълон қилинган банк акцияларининг энг кўп миқдори ёпиқ обуна шаклида қуйидагича тартибда жойлаштириладиган, ҳар бирининг номинал қиймати 250 сўмга тенг бўлган 100 632 711 дона оддий эгаси ёзилган акциялардан иборат деб белгилансин:

| № | Инвесторлар | Акциялар сони |
|---|---|---|
| 1 | Gor Investment Limited | 29 589 844 |
| 2 | Мкртчян Овик Леонардович | 17 619 784 |
| 3 | Джураев Абдулла | 13 390 367 |
| 4 | Абдурайимов Боходир Турсинович | 10 008 179 |
| 5 | Алимов Алишер Музаффарович | 10 008 179 |
| 6 | Касымов Амир-Саид Сайдарифович | 10 008 179 |
| 7 | Газиев Атабек Мухсумович | 10 008 179 |
| | **ЖАМИ** | **100 632 711** |

3. 1. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Уставига киритиладиган ўзгартиришлар матнини 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ Уставига киритилган ўзгартиришларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан рўйҳатга ўтказиш буйича ишларни ташкил этиш банк Бошқарув Раиси Абдукахоров И.А. зиммасига юклатилсин.

4. 2014 йил якунлари бўйича банк соф фойдасининг қолган қисми қуйидаги тартибда тақсимлансин:
- 30 969 685 743,40 сўм дивидендлар тўлаш учун йўналтирилсин;
- 1 177 349 762,81 сўм тақсимланмаган фойда ҳисоб рақамида колдирилсин.

Дивидендларни тўланиши 2-иловага мувофиқ қуйидаги тартибда амалга оширилсин:
- бир дона оддий акцияга 78,20 сўм миқдоридаги дивиденд белгилансиндивидендлар тўланиши нақд пулсиз пул маблағлари билан акциядорларнинг банк ҳисоб рақамларига ёки нақд пул маблағлари билан банк кассалари орқали тўланади;
- дивидендларни тўлашнинг бошланиш санаси – 2015 йил 24 ноябрь; дивидендларни тўлашнинг тугатиш санаси – 2016 йил 18 январь;
- акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг умумий йиғилиши санасидан 3 кун олдин тузилган реестрда қайд этилган акциядорлар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Бунда акциядорлар ўзларининг ҳисобланган лекин олмаган дивидендларни банкка тегишли ариза тақдим этиши орқали қўшимча

<table>
<tr><td rowspan="5"></td><td></td><td colspan="5">чиқариладиган акцияларни сотиб олиш учун йўналтириши мумкин.</td></tr>
<tr><td>5.</td><td colspan="5">Банкнинг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</td></tr>
<tr><td colspan="6">Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:</td></tr>
<tr><td colspan="6">

| Кандидатлар тўғрисида маълумот | | | | | Овозлар сони |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Ф.И.Ш. | Иш жойи | Уларга тегишли акциялар | | |
| | | | сони | тури | |
| - | - | - | - | - | - |

</td></tr>
<tr><td colspan="6"></td></tr>
<tr><td colspan="2">Уставга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар</td><td colspan="5">

**1. 7.2. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

"7.2. Банк устав фондини (устав капиталини) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларининг сони 100 632 711 (юз миллион олти юз ўттиз икки минг етти юз ўн бир) дона эгаси ёзилган оддий ҳужжатсиз акциялардан иборат.

Эълон қилинган акциялар ёпиқ обуна шаклида қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

| № | Инвесторлар номи | Акциялар миқдори |
|---|---|---|
| | **I. Юридик шахслар:** | |
| 1 | Gor Investment Limited | 29 589 844 |
| | **Жами:** | **29 589 844** |
| | **II. Жисмоний шахслар:** | |
| 2 | Мкртчян Овик Леонардович | 17 619 784 |
| 3 | Джураев Абдулла | 13 390 367 |
| 4 | Абдурайимов Боходир Турсинович | 10 008 179 |
| 5 | Алимов Алишер Музаффарович | 10 008 179 |
| 6 | Касымов Амир-Саид Сайдарифович | 10 008 179 |
| 7 | Газиев Атабек Мухсумович | 10 008 179 |
| | **Жами:** | **71 042 867** |
| | **ЖАМИ:** | **100 632 711** |

**2. 10.1. банднинг** 3 хатбошисидаги "депозитарийдаги" сўзи олиб ташлансин.

**3. 10.1. бандига қуйидаги мазмунда хатбоши қўшилсин:**

"ўзларига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда Банкнинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эга".

**4. қуйидаги мазмундаги 10.2. ва 10.3. бандлари қўшилсин:**

"10.2. Агар Банкнинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлса, Банк унинг акциядорлари ушбу Уставнинг 10.3. бандига мувофиқ сотаётган акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга.

10.3. Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд Банк

</td></tr>
</table>

орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядор сотаётган акцияларни сотиб олишга доир имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш муддати акциядор томонидан сотиш нияти тўғрисида акциядорларни ёзма хабардор қилган пайтдан эътиборан 20 (йигирма) кунни ташкил этади.

Агар акциядорлар акцияларни сотиб олиш бўйича ўз имтиёзли ҳуқуқидан кўрсатилган муддат давомида фойдаланмаган бўлишса, ушбу ҳуқуқ Банкка берилади ва сотилаётган акцияларни акциядорларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тугаган пайтдан 10 (ўн) кун ичида Банк қолган акциялар пакетини тўлиқ ёки қисман сотиб олиш бўйича ўз имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқи акциядорнинг номи (фамилия, исми, шарифи), жойлашган жойи (яшаш манзили) ва сотиб оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ҳолда акциядор сотаётган акцияларни сотиб олиш ҳақидаги аризани Банк орқали акциядор-сотувчига ёзма шаклда юбориш йўли билан амалга оширилади. Бундай ариза Банкка ушбу имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати ичида тақдим қилиниши лозим. Акциядор ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга ошириши мумкин.

Акциядор томонидан ўзига тегишли акциялар имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда сотилган тақдирда, Банкнинг исталган акциядори ва (ёки) Банк бундай қоидабузарлик тўғрисида акциядор ёки Банк билган ёхуд билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида ўзига сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Акцияларни олишга бўлган ушбу имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди”.

**5. 10.2.-10.6. бандлари тегишли равишда 10.4.-10.8 бандлар деб ҳисоблансин.**

**6. 10.6. банддаги** “қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган” жумла олиб ташлансин.

**7. 10.8. банднинг** 2 хатбошисидаги “депозитарийга” сўзи “унга депозитар хизматларини амалга оширилаётган юридик шахсга ” жумласига алмаштирилсин.

**8. 10.8. банднинг** 3 хатбошисидаги “депозитарийни” сўзи “унга депозитар хизматларини амалга оширилаётган юридик шахсни” жумласига алмаштирилсин.

| | | |
|---|---|---|
| Бошқарув Раиси | Абдукахоров И.А. | ____________ |
| Бош бухгалтер в.в.б. | Ходжаев Р.Р. | ____________ |
| Ғазначилик бошқармаси бошлиғи | Болтаев И. | ____________ |